Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 112 (4510).
20 МАЙ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Социалистик мусобақа — омманинг амалий ижоди, ватанпарварлик ҳаракати бўлиб, совет кишиларининг юксак онглили ва ташаббусига асосланган, — дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида. — Социалистик мусобақа коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш учун меҳнаткашларни сафарбар қилишнинг қудратли воситасидир. У ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва ишга солишга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради. Социалистик мусобақа ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни жалб этиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир.

Бугун газетанинг иккинчи бетида эълон қилинаётган «Меҳнат беллашуви самарадорлигини оширайлик» саҳифасини биз ана шу масалаларга бағишлаймиз.

Редакция бундан буён ана шундай тематик саҳифаларни мунтазам бериб боради.

ШУ КУН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА

Кеча область партия комитетининг мажлислар залида шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг кенгаши бўлди. Йиғилишда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида олиб бориладиган ташкилий-партиявий ишлар масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. Мусахонов очди.

Йиғилганлар олдида область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири О. Зуфаров «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ташкилий-партиявий ишларнинг айрим масалалари тўғрисида» мавзуида доклад қилди.

Область партия комитети умумий бўлимининг мудири П. Неъматов ўз сўзида ҳужжатлар ва меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифаларга тўхталди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. Дудин, Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов, Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолова, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари П. Юсупов қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. Мусахонов сўзга чиқди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ташкилий-партиявий иш услуби ва методларини такомиллаштириш чораларини белгиладилар.

Кенгаш ишида область партия комитетининг иккинчи секретари В. Антонов, область партия комитетининг секретари А. Хўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инспектори С. Ризаев иштирок этдилар.



ТОШКЕНТ. 1981 йил 19 май. В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи. Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари очилишига бағишланган тантанали кечанинг президиуми. ЎзТАГ фотоси.

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ГИМНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ОЧИЛДИ

Катта байрам — Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари бошланган 19 май мамлакатимиз халқлари, қардош халқлар дўстлиги солномасига ёрқин саҳифа бўлиб киради.

Эрталаб байрам қатнашчилари Тошкентнинг улуғ Ленин номидаги марказий майдонига келиб, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Тожикистон ва Ўзбекистон диёрида етиштирилган шу гуллар орқали Ильичга чуқур миннатдорчилик туйғуси изҳор этилди. Ильичнинг совет халқлари дўстлиги тўғрисидаги ғоялари улар миллий маданиятини гуркиратиб равнақ топтиришнинг асоси бўлиб қолди.

Шу куни қардош республика намояндалари Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча совет республикалари мустаҳкам қардошлиги мадҳиясининг шодиёна дебочаси бўлди. Бу кеча В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Тожикистон ССР делегациясини тантанали кеча қатнашчилари самимий кутиб олдилар, делегация составида республика партия ташкилоти ва ҳукуматининг раҳбарлари, таниқли маданият арбоблари бор.

Кечани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева кириш нутқи сўзлаб очди.

СССР, Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР гимнлари янграйди. Болалар саҳнага чиқадилар. Улар қардош республикадан келган меҳмонларга гуллар тақдим қиладилар.

Кеча иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов сўз сўзлайди.

(Ш. Р. Рашидов ва Ж. Р. Расулов ўртоқларнинг нутқлари газетанинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съездининг делегати Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари Н. Маннопов меҳмонларни республиканинг ишчилар синфи номидан табриклади. Барча совет кишилари каби авиасозлар ҳам, деди у, коммунистлар Бутуниттифоқ анжуманининг зўр таассуроти билан яшаб меҳнат қилмоқдалар.

Рудакий номли Тожикистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Садои Шарқ» журналининг бош редактори Л. Шерали тожик ва ўзбек халқлари маданиятларининг муштараклиги тўғрисида гапирди. Узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган анъанавий, ижодий алоқалар иккала республика адибларини ўзаро боғлаб турибди. Ўзбек авторларининг шеърияти ва насрий асарлари тожикистонлик китобхонларга яқин ва тушунарлидир. Улар ўзбек адиблари асарларини таржимадагина эмас, балки ўзбек тилида ҳам ўқиш имкониятига эгадирлар. Қардош маданиятларнинг бу галги байрами миллий маданиятларни ўзаро бойитиш ишига сўзсиз хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг илмий жамоатчилиги қардош тожик халқи вакиллари билан учрашувдан республиканинг барча меҳнатчилари билан бирга самимий қувонмоқда, деди ўз нутқида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик О. С. Содиқов. Бу учрашув экономика, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида қўшни республика эришган жуда катта муваффақиятларни намойиш қилади. Бу ютуқларда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан баҳамжиҳат меҳнат қилаётган тожик олимларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Ҳалқларимиз ўртасидаги дўстлик коммунистик қурилишда янги марраларни эгаллаш учун, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муносиб бажариш учун олиб борилаётган курашда йил сайини мустаҳкамланиб бормоқда, деди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съездининг делегати, Норак ГЭСи қурувчилар бригадири М. Шарифов. Норак дарёсидаги гидроэлектростанция қурилишида 40 га яқин миллат вакиллари, жумладан Ўзбекистон вакиллари меҳнат қилишди. Бизлар қадрдон ва азиз дўстларимиз ҳузурига келдик. Бизнинг ишларимиз ва юмушларимиз улар учун тушунарлидир. Бизлар ўз муваффақиятларимиз тўғрисида сўзлаб бериш, бунёдкор меҳнатимиз тажрибасини ва қувончини баҳам кўриш учун бу ерга келдик.

СССР халқ артисти, М. Горький номли Тошкент Давлат академик драма театрининг актёри М. Ф. Мансуров Ўзбекистон адабиёти ва санъати кўп сонли ҳодимлари номидан азиз меҳмонларга қизғин салом топширди ва энг яхши истаклар билдирди.

Социалистик мусобақада, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тинмай кўпайтириш тўғрисидаги умумий интилишда тобланган анъанавий дўстлик Тожикистон ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини ўзаро боғлаб турибди, дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг аъзоси М. Исоқова. Адабиёт ва санъат кунлари программасига кўра меҳмонлар республиканинг кўпгина хўжаликларида бўладилар ва ҳамма жойда уларни пахтакорлар ва чорвадорлар, ирригаторлар ва сабзавоткорлар азиз ва қадрдон меҳмонлар сифатида кутиб оладилар.

Тантанали кечада Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуродов, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ю. Юсуфбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, М. Т. Турсунов қатнашдилар. Фахрли меҳмонлар орасида Сурия Араб Республикаси маданият ва миллий ориентация министри Нажаҳ ал Атторхоним бошчилигидаги Сурия делегацияси бор эди.

* * *

Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари очилишига бағишланган кеча охирида қардош республика санъат усталари байрам концерти қўйиб бердилар. Концертда улуғ Ленин номи ва ишини, жонажон Коммунистик партияни, совет халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликни шарафловчи асарлар янгради. (ЎзТАГ).

ҚУЁШЛИ РЕСПУБЛИКАНИНГ БАҲОР МАНЗАРАСИ

Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари программасига мувофиқ очилган кўргазмалар Тожикистон бугунги кунининг ранг-баранг манзарасини акс эттирмоқда. Кўргазма экспозициялари Тошкентдаги кўргазма залларида намойиш қилинмоқда.

Қарийб 500 та асар — тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарлари республиканинг бадиий портретини яратиб, унинг меҳнат биографияси саҳифаларини очиб беради. Бу ерда Норак ва Роғун ГЭСлари, Тожикистон алюминий заводи ва Ёвон электр химия заводи, Жанубий Тожикистон ишлаб чиқариш комплексига кирувчи қурилишлар ва корхоналар йилномаси акс этган. Кўпгина асарлар «оқ олтин» ижодкорларига, чорвадорлар, дала ва боғлар меҳнаткашларига бағишланган.

(Давоми учинчи бетда).

ЁШ ЛЕНИНЧИЛАРНИНГ БАЙРАМИ

19 май куни Ўзбекистон шаҳарлари, поселка ва қишлоқлари пионер галстукларининг алвон ранги билан янада яшнаб кетди. Горн ва барабанларнинг янгроқ садолари В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти ташкил топган кун байрам қилинаётганлигидан дарак берди. Бу кунни ёш ўринбосарлар билан биргаликда бутун мамлакат нишонлади. Шу куни мактаб дружиналари ва отрядларида тантанали сбор ва линейкалар бўлиб ўтди. Уларда ёш ленинчилар «Бутун мамлакат пионерлари Ленин ишига содиқдир!» юришида амалга оширган ишлар тўғрисида ва келгусида нималар қилиш кераклиги ҳақида, кейинги вақтда нималарни ўрганганликлари ва келгусидаги режалари тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар.

Ёш кулоллар, техниклар, ўймакорлар, тикувчилар амалга оширган ишлар кўргазмалари болаларнинг қизиқишлари хилма-хиллигидан далолат беради. Болалар байрам куни ўзларини оталиққа олган катта ёшдаги кишиларни ҳам эсдан чиқармадилар. Завод ва фабрикаларнинг цехларида, маданият саройларида, дала шийпонларида ёш артистларнинг, пионер агитбригадаларининг концерти янгради. Минглаб октябрятлар учун бу кун, айниқса эсда қоларли бўлди: анъанага кўра улар пионер сафига қабул қилиндилар.

Тошкентда пионерлар ташкилоти тузилган кун В. И. Ленин номли майдонда илғор дружина ва отрядларнинг катта паради билан нишонланди. Бу парад «Менинг меҳнатим республика меҳнатига қўшилади» шиори остида амалга оширилаётган қизиқарли пионер ишларининг ёрқин намойишига айланди. Ёш ленинчиларнинг кекса авлодга муносиб ўринбосарлар бўламиз, ота-боболаримизнинг шонли жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ бўлиб қоламиз, партия XXVI съезди қарорларига меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги ютуқлар билан жавоб берамиз, деган қасамёди тантанавор янгради. Парадда болаларни Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов табриклади.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 19 май куни Сурия Араб Республикасининг маданият ва миллий йўналиш министри Нажаҳ ал Атторхоним бошчилигида республикада меҳмон бўлиб турган Сурия делегациясини қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда бўлиб ўтган суҳбатда Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон меҳнаткашлари бир вақтлар қолоқ бўлган ўлкани Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакат қардош халқларининг ёрдами билан экономикаси ривожланган ва маданияти юксак даражага кўтарилган, гуллаб-яшнаб турган республикага қандай қилиб айлантирганликларини, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини турмушга татбиқ этиш соҳасида катта ишлар қилинаётганини гапириб берди.

Нажаҳ ал-Атторхоним кўрсатилган иззат-икром учун делегация номидан самимий миннатдорчилик билдирди, Сурия делегациясининг Совет Иттифоқи ютуқлари билан танишиши натижасида эришган олган тажрибаси Сурия Араб Республикасининг халқига янги турмуш қурилишида ёрдам беришига ишонч изҳор этди.

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ НУТҚИ

Азиз тожик дўстлар ва қардошлар, меҳрибон қўшниларимиз!

Ҳурматли ўртоқлар!

Мамлакатимизда иттифоқдош республикаларнинг адабиёт ва санъат ўн кунликлари, ҳафталиклари, кунларни, кинофестивалларни, рассомлик асарлари кўргазмалари, қўшма илмий сессиялар, конференция ва симпозиумларни, санъат арбобларининг гастроль сафарларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Алоқа ва ҳамкорликнинг мана шу хилма-хил шакллари маънавий турмушимизга файз киритади, кўп миллатли совет маданияти хазинасидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради.

Ўтган йил муқаддам, худди мана шундай офтобли май кунларида қардош тожик халқининг шўх қўшиғи ва ёқимли сухани Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида янграгани ҳаммамизнинг эсимизда. Мана, биз яна учрашиб турибмиз, тожик адабиёти ва санъатининг ранг-баранг, шодиёна байрамини, иккала халқимизнинг дўстлик байрамини нишонлаяпмиз. Зеро, улуғ Рудакий ўз замонида ҳақли равишда айтганидек, «Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун».

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қалин дўстимиз ва биродаримиз Жаббор Расулович Расулов бошчилигидаги Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг барча қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республикамиз Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан қизғин равишда ва самимий табриклашга ижозат берганлигингизни.

Бугун Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари чин кўнгилдан бундай дейдилар:

— Азиз ака-укалар ва опа-сингиллар, меҳмондўст Ўзбекистон диёрига хуш келибсизлар. Уйимизнинг тўри сизники! Бизнинг муддаоларимиз, йўлимиз, тақдиримиз муштарак. Сизлар билан биз Советлар мамлакати, улуғ Совет Иттифоқи деб аталмиш одамлар ягона қудратли қардошлигининг ажралмас қисми эканмиз.

(Давоми учинчи бетда).

ЎРТОҚ Ж. Р. РАСУЛОВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар!

Бугун биз учун ниҳоятда қувончли кун. Маданият ва дўстликнинг катта байрами — Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари қардош Ўзбекистоннинг меҳмондўст диёри бўйлаб, образли қилиб айтганда, ўзининг юришини мана шу ажойиб бинодан — истеъдодли архитекторларингиз ва бинокорларингизнинг жуда соз монументал ижоди бўлмиш В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан бошлайди.

Учрашувларнинг шод-хуррамлиги ва самимийлиги, ўзбек дўстларимизнинг саховатли меҳмондўстлиги, байрамнинг тантанали очилиши ҳар биримизни астойдил тўлқинлантириб юборди. Тожикистон вакиллари сизларга фақат қўшиқ, музика, рақсларни, сўз усталари, рассомлар, театр, кино санъаткорларининг асарларинигина эмас, шу билан бирга халқимизнинг ўзбек қардошларига бўлган қизғин меҳр-муҳаббатини, самимий дўстона ҳистуйғуларини ҳам олиб келдилар.

Биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари муҳтарам Шароф Рашидович Рашидовнинг ёрқин, ғоят сермазмун ва самимий нутқини зўр эътибор бериб тингладик ҳамда тожик халқи, республиканинг барча меҳнаткашларига сидқидилдан йўллаган саломи, эзгу сўзлари ва истаклари учун астойдил миннатдормиз.

Бизнинг делегациямиз тантанали кеча қатнашчиларини сизлар орқали эса бутун қардош ўзбек халқини Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан республиканинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин ва самимий табриклайди.

Азиз дўстлар! Маданият декадалари ва кунларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бинобарин ана шу учрашувлар ҳар гал совет халқлари дўстлиги китобига янги, ёрқин ва унутилмас саҳифалар ёзмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК



«СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — ОММАНИНГ АМАЛИЙ ИЖОДИ, ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИ БЎЛИБ, СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЮҚСАК ОНГЛИЛИГИ ВА ТАШАББУСИГА АСОСЛАНГАН. СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ ПЛАНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МЕҲНАТКАШЛАРНИ САФАРБАР ҚИЛИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИДИР».

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан).

● Унумли, қолоқларсиз ишлаш — шиоримиз | ● Йиллик план — Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига | ● «Ташавтоматика» заводида социалистик мусобақани ташкил этишга эътибор суст

... Конвейердан рангли шишадан тайёрланган нафис, мўрт буюмлар — бокаллар, қадаҳлар, фужерлар силжиб бораяпти. Улар ҳозирча минг даражали печдаги ҳароратни ўзларида сақлашган. Печда худди пластилиндек юмшоқ, тиниқ ҳолга қоришмаси эритилади. Кейин ундан пуфловчилар саноқли дақиқаларда ажойиб буюмлар ясашади...

Цех коллективи янги беш йилликка катта ижодий ва меҳнат имкониятлари билан қадам қўйди. КПСС XXVI съезди очиладиган кунда дастлабки икки ойлик план бажарилди. Съезд ўз ишини давом эттираётган кунларда ҳам цехда юксак меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон бўлди. Зарбдор вахта якуни бўйича биллур ишлаб чиқарувчилар корхонада биринчи ўринни ва фахрли қизил вимпелни қўлга киритдилар.

КПСС XXVI съезди қарорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори цех коллективининг ижодий ташаббускорлиги ва ғайратини оширибюборди. Мана, мусобақада янги марра белгиланди: маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича йиллик план чакана баҳода Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига қадар бажариладиган бўлди.

Сифатга алоҳида эътибор берияпти. Тошкент биллурида қўргошиннинг кўплиги олмос қирраларининг жилосини кучайтиради, яхши ишлов берилиши буюмларга такрорланмас гўзаллик бахш этади. Завод рассомлари В. Дудин, Ж. Забудская, И. Егорова ишлаган «Наргис» гулдони, кулдон, конфетдонлар, ўзининг гўзаллиги билан кишини ром қилади.

— Харидор заводимиз буюмларини юксак баҳолаяпти, — деди цех бошлиғи Н. Орипов. — Биз эҳтиёжни тўлиқ қондириш ниятида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш қувватларини тинмай оширяпмиз, буюмлар хилини кўпайтиряпмиз.

Бу йил шуниси билан диққатга сазоворки, магазин жавонларида ётиб қолаётган буюмларнинг ҳаммаси олиб ташланди. Эҳтиёжни ўрганиш шуни кўрсатяптики, бугунги харидор гарчи қимматбўлса ҳам нодир, гўзал маҳсулотни талаб этаяпти. Бу йил ишлаб чиқаришга олтита янги буюм жорий этилди. Сўзсиз, бу харидорларга ғоят манзур бўлади.

Завод усталарининг ижодий активлиги яхши натижалар берди. Бу йил биринчи кварталда 78 процент маҳсулот биринчи сортда тайёрланди. Бу ўтган йил шу даврдагидан етти процент кўпдир. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар ҳам кўпайди.

Ишчилар йиллик планни муддатдан илгари адо этишга интилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш йўлларини топишди. Бунга меҳнат унумдорлигини ўстириш, сифатини яхшилаш, технологияни такомиллаштириш орқали эришдилар.

Цехни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш муҳим аҳамият касб этди. Корхонада қумни бойитишнинг нодир линияси жорий этилди. Олмос билан ишлов бериш участкасида конвейер-паток линия жорий этилди. қирралар чиқариш учун олмос чарҳ ишлаб тайёрдам бериб келяпти. Ўтган йили «Тошкент» совхози механткашларидан пахтадан мўл-кўл ҳосил етиштиришда яқиндан ёрдами кўрсатиш бўйича алоҳида банд бор. Бунга биноан жумладан, «Тошкент» совхозига бу йил 4 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш таъкидланган. Шу пайтгача хўжаликда минг сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмлар юборилди. Айни пайтда битта кўчма автоустахонамиз бир неча кундан бери пахтакорларга техника воситаларини ремонт қилишда ёрдам бераяпти.

Автобаза комсомол ташкилотида КПСС XXVI съезди материалари муҳокама қилинганда, мен бошчилик қилаётган комсомолёшлар бригадаси оталикдаги хўжаликда техника ремонти бўйича йил бўйи ёрдам кўрсатиш ва йиғим-терим мавсумида «зангори кема»ларда 500 тонна «оқ олтин» териш ташаббуси билан чиқди. Бизнинг бу ташаббусимизни Ўзбекистон ЛКСМ Фрунзе район комитети маъқуллади ва райондаги бошқа комсомол ташкилотларига ҳам ёйишни тавсия этди. Ҳозир биз мана шу мажбуриятимизни бажаришга тайёргарлик кўраяпмиз.

Бундан ташқари корхонамиз комсомол-ёшлари август ойида Жиззах областидаги галла ўрим-йиғимида ҳам фаол иштирок этиш ниятида.

Э. СОҚИЕВ,
марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 103-автобаза комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.



«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кран-йиғув цехига техника назорати бўлими назоратчиси Анна Ивановна энг яхши слесарь-йиғувчилар, коммунистик меҳнат зарбдорлари Николай Ризаев (чапда) ва Владимир Фадеевни юқори сифатли маҳсулот тайёрлаганликлари билан табриклагани келди. Ишлаб чиқариш илғорлари шаҳсий белгига эга, улар маҳсулотни аъло сифатли тайёрлашади.

Тошкент—Олмаота меҳнат беллашуви

ИККИ КОЛЛЕКТИВ ДЎСТЛИГИ

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинати адресига Олмаота ипгазлама комбинатидан мактуб-илтимоснома келди. Унда олмаоталиклар ўзларини қизиқтириб қолган икки янгилик — тараш машиналари барабанлари учун съёмник ва шунингдек, «АТПР-100-2» маркали мокисиз станоклар ҳошия чиқарувчи механизмининг компрессори конструкциясидаги ўзгаришларни сўрашганди. Тошкентлик тўқимачилар дарҳол техник ҳужжатларни тайёрлашга киришдилар. Куни-кеча эса улар Олмаотага — мусобақадош дўстларга жўнатилди.

Икки коллектив ўртасида янгиликларни ўзаро ўртоқлашиш одат тусига кириб қолган. Қозогистонлик мутахассислар томонидан яратилган кўпгина янгиликларни бугун Тошкент тўқимачилик комбинатининг цехларида кўриш мумкин. Олмаоталикларнинг тажрибасидан ўрганиб, корхонамиздаги «АТПР-100» маркали станоклар такомиллаштирилди, мокисиз станокларнинг бош валини реставрация қилиш усули қўлланилди.

Бу атиги иккита мисол, холос. Уларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Негаки, икки корхонанинг ўзаро тажриба алмашиши Олмаота комбинатининг ишга туширилган кунидан бошлаб давом этиб келяпти. Социалистик мусобақа шартномаси ҳам худди мана шу кунларда тузилган эди. Шундан буён ҳар икки коллектив вакиллари бир йилда икки марта учрашиб, мусобақага якун ясайдилар, ўзаро тажриба алмашадилар.

Сўнгги учрашув яқингинада бўлиб ўтди. Касаба союз комитети раиси Э. Т. Ҳамидов бошчилигидаги тошкентлик тўқимачилардан иборат бригада олмаоталиклар ҳузурида бўлди. Икки коллектив ўртасида 1980 йилнинг иккинчи ярим йиллигига якун ясалди.

Олмаоталиклар ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида юксак натижаларга эришиб, кўпгина кўрсаткичлар бўйича тошкентлик тўқимачилардан ўзиб кетдилар. Энди ликда енгил саноат ветерани — Тошкент тўқимачилик комбинати ўзининг ёш рақибидан ўрганса арзигулик тажрибалар бор.

Бир вақтнинг ўзида 1981 йил учун социалистик мусобақа шартномаси имзоланди, юксак мажбуриятлар қабул қилинди. Жумладан, тошкентлик тўқимачилар коллективи йиллик планни муддатидан илгари 29 декабрда бажариб, пландан ташқари 800 минг сўмлик маҳсулот беришга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатини беш процентгача юксалтиришга, давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғини кўпайтиришга, давлат Сифат белгиси аттестациясига эса икки хил буюмни тақдим этишга, «Н» (янгилик) индекси билан 16,7 миллион сўмлик газлама ишлаб чиқаришга, пландан ташқари 200 минг сўмлик фойда олишга, 50 тонна пахта толасини, 15 тонна калавани, 600 минг метр сурпни, 1100 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга аҳд қилган.

Ана шу чақириқни қабул қилган олмаоталиклар ҳам ўз мажбуриятларига қуйидагиларни ёзиб қўйдилар: маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик план 28 декабрда бажарилади, топшириққа қўшимча 1,5 миллион сўмлик буюмлар ишлаб чиқарилади, пландан ташқари 300 минг погон-метр ногазлама материаллар тайёрланади, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,7 процентга ошириб бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажмининг тўла ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади, давлат Сифат белгиси аттестациясига битта артикулли газлама тақдим этилади, давлат Сифат белгиси билан 18 миллион сўмлик, «Н» индекси билан эса 16,8 миллион сўмлик газлама ишлаб чиқарилади, 200 минг сўмлик қўшимча фойда олинади, 65 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 400 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Учрашувда бир-бири билан мусобақадош ишчилар меҳнати ҳам торозига солиб кўрилди. Жумладан Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи ва иккинчи фабрикалари тўқувчилари Н. Ершова ва Е. Губина, мазкур фабрикаларнинг йигирувчилари М. Турсунхўжаева ва В. Минкина олмаоталиклар Н. Романенко, Л. Игнатьева, Л. Примак, С. Омаровалар билан бўлган мусобақада биринчиликни қўлга киритдилар.

Раклист В. Шаламов (Тошкент) ҳам ўз «рақиби»га нисбатан яхши натижаларга эришиб, олмаоталик С. Подгорний билан 1981 йил учун мусобақа шартномасини имзолади.

1-йигирув фабрикаси тараш машиналарининг оператори З. Габдуллина, 2-фабрика мастер ёрдамчиси Ю. Мадаминов, шу фабрикаларнинг тўқувчиси Л. Каримбердиева (Тошкент)лар билан бўлган мусобақада С. Муҳаммедсафина, В. Ҳусниддинов ва КПСС XXVI съезди делегати Л. Кочетова (Олмаота) ғолиб чиқдилар.

Ўтган йилга якун ясаган икки комбинат илғорлари 1981 йилда ҳам меҳнат беллашувини қизғин давом эттиришга аҳд қилдилар. Навбатдаги учрашув, яъни биринчи ярим йиллик мусобақасига якун ясаш Тошкентда бўлади.

Икки коллективнинг дўстлиги мустаҳкамланмоқда, улар бир-бирини қўллаб-қувватлаб, мусобақанинг янги чўққилари сари одимлашяпти.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

● *Йиллик план — 7 ноябрга*

КАТТА МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Лекин буюм магазин жавонларига етиб боришдан аввал яна узоқ йўли босиб ўтади — уни силлиқлашади, кесишади, жило беришади.

Мастер З. В. Шереметьева бошлиқ участка коллективи шу ишларни бажаришади. Бу ерда ишлаётганларнинг ҳаммаси ҳозир бригада пудрати методи бўйича — битта нарядда меҳнат қилишяпти.

— Меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаси самарали, — деди Зоя Васильевна. — Меҳнат унумдорлиги анча юксалди, одамлар топширилган ишга янада масъулият билан қарайдиган бўлишди. Эндиликда иш вақтининг ҳар бир дақиқаси ҳисобда. Жумладан, Саъдулла Раҳимов бошлиқ силлиқловчилар бригадаси мана тўрт ойдирки, планини 145—150 процент адо этяпти. Бу демак, коллектив йиллик топшириқни 7 ноябрга қадар бажариш бўйича мажбуриятини муддатдан илгари адо этади.

«Миконд» заводининг кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариладиган учинчи цехи коллективи фахрланса арзигулик ишлар қилаяпти. Ўтган йилнинг 22 сентябрида цех ўнинчи беш йиллик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. 19 декабрда эса заводда яна бир хушхабар тарқалди — биллурчилар йиллик топшириқни муддатидан аввал адо этдилар. Планга қўшимча юз минглаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Цех коллективи ҳам ўз мажбуриятларига қуйидагиларни ёзиб қўйдилар: маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик план 28 декабрда бажарилади, топшириққа қўшимча 1,5 миллион сўмлик буюмлар ишлаб чиқарилади, пландан ташқари 300 минг погон-метр ногазлама материаллар тайёрланади, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,7 процентга ошириб бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажмининг тўла ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади, давлат Сифат белгиси аттестациясига битта артикулли газлама тақдим этилади, давлат Сифат белгиси билан 18 миллион сўмлик, «Н» индекси билан эса 16,8 миллион сўмлик газлама ишлаб чиқарилади, 200 минг сўмлик қўшимча фойда олинади, 65 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 400 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Ана шу чақириқни қабул қилган олмаоталиклар

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ГИМНИ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бу галги учрашувимиз, айниқса шонли ва рамзий учрашувдир. Уни Ленин партияси тарихий XXVI съезди доно қарорларининг, барча совет кишилари қатори сиз билан биз ҳам ҳозир завқ-шавқ билан рўёбга чиқараётган қарорларнинг ҳаётбахш нури чароғон қилиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев съезднинг мўътабар минбарида туриб адабиёт ва санъат ходимларининг фаолиятига юксак баҳо берди, уларни ҳаётга, жамиятимиз турмушидаги проблемаларни ҳал этишга активроқ аралашишга, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг коммунизм учун биргаликдаги курашида юзага келаётган жамики янги, илғор ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга чақирди. Муштарак ишимиз учун олиб борилаётган айни шу тинимсиз курашда ягона кўп миллатли совет оиласига жипслашган совет халқларининг дўстлиги янада кўпроқ мустаҳкамланиб, ривожланди.

Тожик ва ўзбек халқларининг дўстлиги йил сайин мустаҳкамланиб бораётган мана шу қардошлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамнинг яққол намунасидир.

Бу дўстликнинг илдизлари қадим замонларга, келгинди босқинчилар ўлкамизга ҳужум қилиб, тожиклар билан ўзбеклар диёрига кулфат, ажал ва вайроналик келтирган пайтларга бориб тақалади.

Бу дўстлик зулм ва эксплуатациясиз янги порлоқ турмуш учун бўлган шиддатли курашда ўсиб, вояга етди. Ўтмишни ўйлаганда, икки мўътабар зот — Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий кўз олдимизда беихтиёр намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, бу зотлар халқларимиз дўстлиги ва маданиятини асрлар оша парвоз қилиб олиб ўтган муқаддас қақнус қушининг икки қаноти дейиш мумкин. Фикран ва руҳан аллома юксаклигига кўтарилган бу бобокалонларимиз ўзаро курашлар ва жанжалларга тинчликсеварликни, ҳамкорликни, бахтиёр келажак учун курашдаги умумий йўлни излашни қарама-қарши қилиб қўйган эдилар. Улар Ер юзидаги жамики бойликлар орасидан энг бебаҳо бойлик — дўстликни, барча гўзал сўзлар орасидан энг азиз қардошлик сўзини танлаб олган эдилар.

Ҳар бир даврнинг ўз шоирона қиёслари бўлади. Бизнинг замонамизга қиёсан айтиш мумкинки, тожиклар билан ўзбеклар ўртасидаги муқаддас дўстлик қуши баланд парвоз қилиб Улуғ Октябрни, партиянинг ленинча миллий сиёсатини, халқларимиз кўп асрлик тарих давомида яратган жамики яхши анъаналарни ўзига сингдирган янги социалистик маданиятни қуламоқда. Коммунистик партия, Совет ҳокимияти дўстлигимизни халқларнинг чинакам қардошлигига айлантирди, бу қардошлик эса Гражданлар уруши йилларида камол топди, Улуғ Ватан уруши фронтларида тобланиб, мустаҳкамланди, бугунги кунда миллион-миллион ватандошларимизнинг завод ва фабрика цехларидаги, беш йиллик қурилишларининг ҳавозаларидаги, колхоз ва совхоз экинзорларидаги, олимларнинг лабораторияларидаги илҳомбахш меҳнат жараёнида қарор топмоқда.

Катта Фарғона канали, Ҳисор канали, Фарҳод электр станцияси ва Ҳалқлар дўстлиги номидаги Қайроққум гидроэлектростанцияси билан сув омбори, Норак ГЭСининг азим тўғони халқларимизнинг мана шу улуғ қардошлигига қўйилган сўнмас ёдгорликдир. Биз ёнма-ён туриб биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Мирзачўлни ўзлаштирдик, ҳозир бошқа кўпгина муҳим халқ хўжалиги вазифаларини ва аввало пахтачиликни янада юксалтириш вазифасини ялпи куч-ғайратлар билан ҳал этяпмиз, «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириш соҳасида орттирилган тажриба ва маҳоратни бир-биримиз билан сахийларча баҳам кўряпмиз.

Барча бошқа совет миллатлари ва элатлари каби бизнинг халқларимиз ҳам фақат мана шундай, маҳкам қўл ушлашиб, елкама-елка туриб, бир-биридан баҳра олиб ва бир-бирига беғараз ёрдамлашиб, Совет ҳокимияти йилларида бутун бир тарихий даврдан шитоб билан сакраб ўта олдилар ҳамда Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати, улуғ рус халқи бошчилигидаги Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туфайли ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида мислсиз равнақ топишга эришдилар.

«Ҳар бир республикамизнинг жадал иқтисодий ва социал тараққиёти уларнинг ҳар томонлама яқинлашув жараёнини тезлаштираётганини ҳаёт кўрсатиб турибди, — деб таъкидлади Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладида. — Миллий маданиятлар равнақ топиб ва бир-бирини бойитиб бормоқда. Янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқининг маданияти шакллана бормоқда».

Биз истеъдодли тожик халқининг ютуқлари билан фахрланамиз. Тожикистон адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги ҳозирги кунлари қардош республиканинг экономика ва маданияти соҳасидаги тасаввуримизни янада кўпроқ бойитишга имкон беради, бир-биримизни янада яхшироқ билиб олишимизга кўмаклашади, КПСС XXVI съездининг ижодий меҳнат ҳодимлари, адабиёт ва санъат арбоблари олдига қўйган вазифаларни тезроқ амалга ошириш ишида янги омил бўлиб хизмат қилади.

Тожик ёзувчилари ва шоирлари ўзларининг бутун қалблари ва истеъдодларини тўла-тўкис халқ хизматига бағишлаганликлари учун ҳам уларнинг яратган асарлари республикамиз меҳнаткашларининг дилига яқин ва азиздир. Қардош совет адабиётларимиз бешигини тебратган унутилмас Садриддин Айний, революция куйчиси Абулқосим Лоҳутий, ўткир зеҳни ва сахий қалби билан барча ҳолис ниятли кишиларга мурожаат этиб яратган жўшқин поэзияси туфайли республикалар ва давлатлар чегарасидан бошқа жойларда ҳам машҳур бўлган атоқли совет шоири Мирзо Турсунзода асарлари Ўзбекистонда она тилида ўқилмоқда.

Мирзо Турсунзода қариб ярим аср мобайнида адабиёт бобида шоир, драматург, публицист сифатида меҳнат қилиб, ўзига хос сержило илҳомини ўз халқига, бутун мамлакат халқларига, улуғ коммунистик қурилиш ишига, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашга бағишлади. Тожикистон халқ шоири рус тилининг, улуғ рус классик ва совет адабиётининг Совет Иттифоқи миллатлари ва элатлари маданиятини тақдиридаги тараққиқипарварлик ролини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтар эди.

Ёзувчилардан Мирсаид Миршакар, Жалол Икромий, Мўмин Қаноат, Фотеҳ Ниёзий, Раҳим Жалил, Юсуф Акобиров, Фазлиддин Муҳаммадиев, Лойиқ Шерали, Гулрухсор Сафиеваларнинг, республика халқ рассомлари Хушбахт Хушвахтовнинг ва Зулфия Бахриддиноваларнинг ҳамда бошқа кўпгина таниқли Тожикистон санъаткорларининг маҳорати асарлари республикамизда яхши маълум.

Тожикистон кинематографчиларининг фильмлари кинотеатрларимиз экранларида зўр муваффақият билан кўрсатилмоқда.

Малика Собирова, Ҳанифа Мавлонова, Тўфа Фозилова, Аҳмад Бобоқулов, Асли Бурҳонов, Жўрабек Муродов, Барно Исҳоқова, Шоиста Муллажоноваларнинг жозибадор санъати бизга зўр ҳузур бахш этади. З. Шаҳидий, А. Солиев, Ш. Сайфиддинов, А. Ҳамдамовларнинг музикасини биламиз ва севамиз. Улар классик ва халқ музикаси анъаналарини ардоқлаб асраш билан бирга уни ривожлантирдилар ва янги формалар билан бойитдилар.

Хуллас, ҳурматли ўртоқлар, ҳамманинг номини тилга олиш, ҳаммани айтиб ўтиш қийин, чунки яхши қўшнимиз ва содиқ дўстимизнинг ўзига хос санъати бағоят бой!

Серқуёш Тожикистон, кўп асрли гўзал маданият маскани бўлмиш бу кўркам ўлка қалбимизга яқин ва азиздир. Биз сизларни, азиз меҳмонларимизни ўзбеклар диёрида сидқидилдан табриклаб, сизларга, сизлар орқали қардош республиканинг барча меҳнаткашларига чин кўнгилдан баҳодирона сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, аълс кайфият, битмас-туганмас қувонч, севикли Ватанимиз манфаатлари йўлида, порлоқ коммунизм идеалларининг тантанаси йўлида янгидан янги шоили меҳнат зафарларини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Шу зўр қувончли байрам чоғида биз ҳам Ўзбекистонда рўй берган жуда катта ўзгаришларни меҳмонларимизга қувона-қувона кўрсатамиз. Тожикистонлик қардошларимиз каби КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, ўн биринчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун мислсиз зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган ишчиларимиз, колхозчиларимиз, меҳнаткаш зиёлиларимиз, ёшларимиз билан танишасизлар. Ҳамма жойда сизлар энг азиз меҳмонлардек кутиб олинасизлар. Ҳар бир хонадоннинг эшиги сизлар учун кенг очиқ.

Совет халқларининг ленинча дўстлиги абадий яшасин ва кун сайин мустаҳкамланаверсин!

Совет халқи барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!

«Хуш омадед!» — «Хуш келибсиз!» — «Добро пожаловать!», азиз ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз! **(Давомли қарсаклар).**

Ш. Р. Рашидов Тожикистон адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчиларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг сиймоси тасвирланган чинни вазани топширди.

Ўртоқ Ж. Р. РАСУЛОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Бу галги байрамнинг алоҳида хусусияти бор. У совет кишилари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, янги беш йиллик топшириқларини ватанпарварларга хос ғайрат-шижоат билан муваффақиятли равишда амалга ошираётган тўлқинлантирувчи бир пайтда ўтмоқда. Совет кишилари фидокорона меҳнатлари билан В. И. Ленин ғояларига астойдил содиқ эканликларини, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, совет кишиларининг бахт-саодати учун, инсониятнинг тинчлиги ва социал-тараққиёти учун оташин ва толмас курашчи, ҳаммамиз учун муҳтарам ва азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Коммунистик партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси теварагига метиндек жипслашганликларини намойиш қилмоқдалар.

Кунларнинг программаси тожик халқининг маданияти, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида нақадар равнақ топганлигини Ўзбекистон томошабинларига ғоят яққол кўрсатиб берадиган тарзда тузилган. Биз аминмизки, Тожикистон адабиёти ва санъати арбобларининг республикангиз меҳнаткашлари билан ўтказиладиган кўпдан-кўп учрашувлари қувончли-гина бўлиб қолмай, шу билан бирга фойдали ҳам бўлиб бизни ўзаро бойитади ва дўстона алоқаларимизни, ўзбек ва тожик халқларининг биродарлигини яна ҳам мустаҳкамлайди.

Маълумки, халқларимиз ўртасидаги дўстлик кўп асрлик тарихга эга. Дарҳақиқат турмуш тарзининг ўзи, анъаналар ва урф-одатлар, бутун кўп асрлик тарих, жумладан, адабиёт ва санъат ўзбек ва тожик халқларининг тақдири уларнинг дўстона муносабатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларга эга. Адабиётларимизнинг Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Ҳамза ва Айний, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода каби забардаст намояндаларининг шоҳ асарлари бунга яққол мисол бўла олади.

Айни бир санъаткорнинг ўзи ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида кўпинча яратаётган ажойиб адабий асарлар халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг мангу ёдгорлиги, маънавий бойликлар тўхтовсиз баҳам кўрилаётганлигининг далилидир. Биз ана шу ажойиб анъаналарни муқаддас билиб, асраб, ривожлантирмоқдамиз.

Улуғ Октябрь, озодлик ва Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун, вайроналикни, иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатиш учун курашда Россия революцион ишчилар синфининг қардошларча бегараз ёрдами, дастлабки беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тинч бунёдкорлик йиллари ленинча миллий сиёсатнинг донолиги ва узоқни кўра билганлигини тасдиқлади.

Оғамиз улуғ рус халқи бошчилигидаги совет халқларининг дўстлиги барча синовларга бардош бериб, коммунизм йўлидаги улуғвор ғалабаларимизнинг ҳал қилувчи шартларидан бири, кўп миллатли Совет Ватани куч-қудратини ўстиришнинг, барча иттифоқдош республикаларни чинакам равнақ топтиришнинг муҳим омили бўлди. Тожикистон билан Ўзбекистон бунинг ажойиб мисолидир.

Тожик, ўзбек халқлари, барча совет халқларининг муттасил ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган дўстона алоқаларининг самараларини ҳар қадамда кўриш мумкин. Ўзбекистон коммунистлари Россия коммунистлари билан ва мамлакатнинг бошқа қардош халқлари билан бир ёқадан бош чиқариб, бизга халқ ҳокимиятини душманлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолишда, социалистик асосларда янги ҳаёт барпо этишда, ўз давлатини, республика Коммунистик партиясини ташкил қилиш ва мустаҳкамлашда ёрдам бердилар.

Бизнинг дўстона алоқаларимиз барча соҳаларда тўхтовсиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Шароф Рашидович Ўзбекистонда тожикча қўшиқни қуйламайдиган бирорта ҳам таниқли хонанда, тожикча рақсларни ижро этмайдиган бирорта ҳам машҳур раққоса йўқ, тожик санъат усталарининг асарлари ижро этилмайдиган бирорта ҳам концерт бўлмайди, деб жуда тўғри айтди. Биз-да ҳам худди шундай, деб айта оламиз. Тожикистонда ўзбек ашула ва рақслари худди шундай севимли бўлиб, ижодий коллективлар ва ижрочиларнинг репертуарида муҳим ўринни эгаллайди.

Бизнинг республикамизда қардош Ўзбекистон адабиёти арбоблари: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Зулфия, Сарвар Азимов ва бош. қа кўпгина бадиий сўз усталарини яхши биладилар ҳамда уларнинг ижодиётини юксак қадрлайдилар. Бизда аҳолининг талайгина қисми уларнинг асарларини ўзбек тилида ўқийди.

Доимий баҳамжиҳат ҳаракат ва ўзаро таъсир ўтказиш совет халқлари маданиятларини ривожлантиришнинг, уларни равнақ топтириш ва бир-бирига яқинлаштиришнинг қонуни бўлиб қолди. Бунда миллатлараро алоқанинг қудратли воситаси, маънавий бойликларни баҳам кўриш, жаҳон цивилизациясининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлиш воситаси — рус тили ғоят катта роль ўйнайди. Рус тили совет китобхонларининг турмушига мустаҳкам, синиб кетди, уларни маънавий жиҳатдан бойитди.

Азиз дўстлар, бугун мен ўз нутқимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилаётганликларини айтмасдан ўта олмайман. Буни ҳамма кўриб турибди ва шу нарса кўп-дан-кўп ҳаётий мисолларда яхши намоён бўлмоқда.

Тожикистон партия ташкилоти, коммунистлари, барча меҳнаткашлари буни кўриб турибдилар ва юксак қадрламоқдалар. Биз ҳам дўстона алоқаларни бундан буён ҳар томонлама ривожлантириш, моддий ва маънавий бойликларни ўзаро баҳам кўришни кенгайтириш, асосий бойлигимиз бўлган бизнинг дўстлигимиз ва қардошлигимизни асраш ҳамда мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қиламиз.

Бу, шубҳасиз, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишимизга ёрдам беради. Ўртоқ Л. И. Брежнев қаҳрамон шаҳар Киевда ёдгорлик комплексининг тантанали очилишида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, КПСС XXVI съезди коммунистик қурилишимизнинг бундан буёнги йўлини белгилаб берди.

Биз мамлакат иқтисодий потенциалини оширишга қўшадиган меҳнат ҳиссамизни кўпайтиришни ўзимизнинг бош вазифамиз деб биламиз. Ютуқларимиз тўғрисида бугун батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак деб ўйлайман. Бу ютуқлар ҳаммага яхши маълум. Дарҳақиқат, республикаларимиз қўшни бўлиб, кўп йиллардан буён ёнма-ён бормоқдамиз, бир-биримиз билан мусобақалашмоқдамиз, тез-тез учрашиб турамиз ва экономика, фан, маданият нақадар ривожланганлигини, қардош Ўзбекистон нақадар равнақ топганлигини кўриб турибмиз. Эндиликда қардош Ўзбекистоннинг байрогида беш орден — Ватаннинг юксак мукофотлари порлаб турибди.

Азиз ўртоқлар! Ўзбекистонда бошланаётган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари — ўзига хос ҳисобот, маънавий ютуқлар кўригидир. Сизлар санъатимизнинг равнақини кўриб биз билан бирга қувонасизлар, деган умиддамиз.

Тожикистон вакиллари ажойиб республикангизнинг кўпгина жойларида бўладилар, уларнинг меҳнат коллективлари ва ижодий коллективлари билан учрашувлари, янги танишувлар қардошлик ва ҳамкорлик, ўртоқлик ва ўзаро ёрдам ришталарини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди. Ана шу учрашувлардан олинган таассуротлар шубҳасиз сўз усталарининг, театр, рассомчилик, кино усталарининг янги асарларида ўз ифодасини топади, шеърий образлар ва оҳангларда мужассамлашади.

Сизлар янгиланган табиат ўзининг бутун кўркамлигини намойиш қилаётган айни кўклам палласида, гуллар очилаётган ва ўн биринчи беш йиллик биринчи йилининг ҳосили учун замин ҳозирланаётган бир пайтда бизни астойдил меҳмондўстлик билан кутиб олмоқдасиалар. Кузда, мевалар етилган даврда кўп кишиларнинг фидокорона меҳнати билан етиштирилган ана шу ҳосилни йиғиб-териб олиш арафасида эса Тожикистонда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари ўтказилади.

Биз сизларни ҳам худди шундай сидқидилдан кутиб оламиз ҳамда йўлажак кунлар дўстлигимиз ва қардошлигимизнинг бугун ўз юришини бошлайдиган бу галги катта байрамининг давоми бўлиб қолиши учун ҳамма ишни бажо келтирамиз. Республикамиз меҳнаткашлари тожиклар диёридаги бўлажак учрашувларни биладилар. Улар меҳнат билан қўшиқ ёнма-ён бўлиб, бир-бирига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайдилар. Шу боисдан шоҳарликлар ҳам, қишлоқ меҳнаткашлари ҳам адабиёт ва санъатимизнинг бўлажак байрамига бу йилги баҳорнинг қийинчиликларини ва инжиқликларини фидокорлик билан бартараф этиб, муносиб меҳнат совғаларини ҳозирламоқдалар.

Нутқимни тамомлай туриб, ғоят самимий, қардошларча кутиб олинганлигимиз учун Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг барча қатнашчилари номидан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, муҳтарам Шароф Рашидович, шахсан Сизга, яна бир бор астойдил миннатдорчилик изҳор этиб, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига янада равнақ ва бахт-саодат, севикли Ватанимиз фаровонлиги, коммунизм тантанаси йўлида янгидан янги ажойиб зафарлар тилайман! **(Давомли қарсаклар).**

Ж. Р. Расулов В. И. Ленининг Туркистон вакиллари билан учрашуви тасвирланган суратни Ўзбекистон меҳнаткашларига совға қилиб топширди.

ҚУЁШЛИ РЕСПУБЛИКАНИНГ БАҲОР МАНЗАРАСИ

(Боши биринчи бетда).

Халқ рассоми Х. Хушвақтов чизган картиналарда жонажон диёр образи, заҳгори Помир чўққилари, тоғ бағридан оқиб-чиққан дарёлар, гулларга ва яшил либосга бурканган водий образи тасвирланса, республика халқ рассоми И. Писковнинг асарларида жонажон диёрни янада кўркамлаштираётган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. А. Раҳимов, Р. Абдурашидов, Е. Носик, Р. Азимов чизган полотноларга онаерга бўлган самимий меҳр-муҳаббат, атроф-муҳит гўзаллигини, инсон қалби саховатини очиб беришга бўлган интилиш асос қилиб олинган. Ана шу меҳр-муҳаббат ва саховат амалий санъат усталарининг асарларида ҳам ўз аксини топган. Халқ усталарининг қўлида лой ва ёғоч асрлар давомида жозибали садолар ва камалак рангларини кашф этиб келди. Ака-ука Соҳибовлар ясаган сопол буюмлар, Тожикистон халқ рассоми С. Нуриддинов ёғочга ўйиб ишлаган нақшлар томошабинларга ғоят манзур бўлмоқда.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан Тожикистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Х. Хушвақтов, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Р. Аҳмедов ҳар иккала республика мўйқалам ва ганчкор усталарини бирлаштирган, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни куйловчи Ватан куч-қудрати ва равнақининг манбаи бўлган мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни куйловчи асарлар яратиш йўлидаги ягона интилиш тўғрисида гапирдилар.

* * *

Садриддин Айний ва Ҳамза — Тожикистон ва Ўзбекистон совет социалистик адабиёти, тожик ва ўзбек халқларининг ана шу икки фарзанди номи билан бошланади. Бу адиблар ижодида, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Зулфия, Уйғун, Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Пиримқул Қодировларнинг Тожикистонда нашр этилаётган тўпламларида ва китоблари қўйилган.

Қурилишларда, цехлар ва далаларда, маданият саройлари ва театрларда, ўқув юртларида суратга олинган юзлаб фотосуратлар Тожикистоннинг ҳозирги куни тўғрисидаги тўлқинлантирувчи ҳужжатли ҳикоядир. Бу фотосуратлар КПСС XXVI съездининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида, бугунги кунда қардош республикада ҳукм сураётган меҳнат кўтаринкилиги ва ижодий руҳ ҳақида ҳикоя қилади. Тожикистон фани ва маданиятининг равнақини акс эттириб, Совет республикалари санъати арбобларини қадимдан боғлаб келган алоқаларни акс эттиради.

Кўргазмалар очилиши маросимида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Б. Бобосодиқова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ю. Юсуфбеков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).



Суратда: Ўзбекистонда ўтаётган қардош Тожикистон адабиёти ва санъати кунларининг иштирокчилари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида.

А. Абалян фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

Хо Ши Мин ўз ватанини мустамлакачилар ва империалистлар зулмидан озод қилиш ишига, унинг мустақиллигини ҳимоя этишга, Вьетнам диёрида социализм қурилишига бебаҳо ҳисса қўшди. Вьетнам ва халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби, ВКПнинг асосчиси ва Социалистик Вьетнамнинг биринчи Президенти туғилган кунининг 91 йиллигига бағишлаб 18 май куни Москвада ўтказилган Совет—Вьетнам дўстлиги кечасида шу нарса таъкидлаб ўтилди.

Сарчашмаларида В. И. Ленин билан Хо Ши Мин тургап Совет—Вьетнам дўстлиги йилдан-йилга мустаҳкамланаётганлиги, иккала мамлакат, партиялар ва халқлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муттасил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Кечада сўзга чиққан ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Май ўз ватанига доимо бериб келинаётган самарали ёрдам ва мадад учун КПССга, бутун совет халқига астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. У Хо Ши Мин васиятларига содиқ бўлган Вьетнам халқи бундан буён ҳам Совет Иттифоқи билан қардошлик муносабатларини ривожлантираверади, деди.

(ТАСС).

ЖАМОАТЧИЛИК МИТИНГИ

САН-ФРАНЦИСКОда тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун кураш шиорлари остида жамоатчиликнинг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митингда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг АҚШ бўйлаб сафар қилаётган делегацияси иштирок этди.

Жаҳон халқлари, деди митингда сўзга чиққан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Ромеш Чандра, энг реакцион империалистик кучлар, аввало АҚШнинг агрессив сиёсати туфайли ядро ҳалокатининг ўсиб бораётган хавф-хатари шароитида яшамоқда. АҚШнинг ҳукмрон доиралари миллий озодлик ҳаракатини бостириш ва ривожланаётган мамлакатларда Америка монополияларининг ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида «халқаро терроризмга қарши кураш» деб аталган ўта-кетган макрокорона ва сохта кампанияни авж олдириб юбордилар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Стокгольмда шимол мамлакатларининг Совет Иттифоқи билан дўстлик жамиятлари конференцияси бўлиб ўтди.

Дания, Норвегия, Финляндия ва Швеция намояндалари СССР билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашнинг актуал проблемаларини кўриб чиқдилар.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номига яқдилик билан табрикнома қабул қилдилар. Табрикномада айтилади, КПСС XXVI съездида ўртага қўйилган СССРнинг янги тинчлик ташаббуслари Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат йўли ўзгармас йўл эканлигидан далолат беради. Бу йўлнинг мақсади — бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш учун курашишдан иборат. (ТАСС).

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, Ҳиндистон ҳукумати мамлакат хавфсизлиги органларини мустаҳкамлаш ҳамда Ҳиндистоннинг таниқли давлат ва сиёсат арбобларини шахсан қўриқлашни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Оммавий ахборот воситалари шу ҳақда хабар бериб, Ҳиндистонга юборилаётган турли-туман террорчи унсурлар солаётган хавф-хатар кучайиб бораётганлиги муносабати билан мазкур тадбирлар ўз вақтида кўрилганлиги хусусида мамнуният изҳор этмоқда. Маълумки, кейинги бир ярим йил ичида мамлакат бош министри Индира Ганди жонига икки марта суиқасд қилишга уриниб кўрилди. Сўнгги уриниш шундан иборат бўлдики, яқинда Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи бир қанча чет мамлакатларга сафар қилмоқчи бўлган самолётни бошқаришнинг ҳаётий муҳим системаларидан бирини террорчилар ишдан чиқариб қўйган эдилар. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ХАНОЙ. 26 апрель куни Вьетнам Миллат мажлисига ўтказилган умумий сайлов зўр муваффақият билан ўтди. Сайловда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 97,96 процентн қатнашди. Вьетнам граждан-лари овоз беришда актив қатнашиб, ВКПнинг тутган йўлини ва мамлакатнинг янги конституциясини маъқуллаганликларини намойиш қилдилар. Марказий сайлов комиссиясининг эълон қилинган ахборотида шу ҳақда гапирилади.

Сайлов, дейилади ахборотда, Вьетнам конституциясига ва қонунларига гўёки мувофиқ тарзда, социалистик демократия руҳида ўтди. Миллат мажлисига 496 депутат сайланди.

ПАРИЖ. Францияда апрель ойининг охирида ишсизлар 1 миллион 770 минг кишидан ошиб кетди. Кейинги йил ичида «ортиқча кишилар» армияси мамлакатда 19,7 процент кўпайди. Франциядаги энг йирик касаба союз бирлашмаси бўлмиш Умумий меҳнат конфедерацияси ана шу маълумотларни шарҳлаб, ишсизларнинг узлуксиз кўпайиб бораётганлиги йилдан-йилга мустаҳкамланаётганлиги, иккала мамлакат, партиялар ва халқлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муттасил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Кечада сўзга чиққан ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Май ўз ватанига доимо бериб келинаётган самарали ёрдам ва мадад учун КПССга, бутун совет халқига астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. У Хо Ши Мин васиятларига содиқ бўлган Вьетнам халқи бундан буён ҳам Совет Иттифоқи билан қардошлик муносабатларини ривожлантираверади, деди.

(ТАСС).

СЕКРЕТАРИАТ ТАВСИЯСИ

Сурия пойтахтида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси секретариатининг мажлиси бўлди. Мажлис иштирокчилари тинчлик, кескинликни юмшатиш ва ер юзидаги барча халқлар ўртасида ҳамкорлик учун, уюшма составига кирадиган миллий комитетларнинг ижодий ва нашриёт ишларини активлаштириш учун кураш ишига Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг қўшаётган ҳиссасига доир муҳим масалаларни кўриб чиқдилар. Секретариат ёзувчиларнинг Африка —Осиё ҳаракати ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишлаб, 1983 йилда Совет Ўзбекистони пойтахти — Тошкентда юбилей конференцияси ўтказиш тўғрисида тавсиянома қабул қилди.

(ТАСС).

«ОРТИҚЧА КИШИЛАР» КЎПАЙМОҚДА

Расмий маълумотларнинг далолат беришича, Испанияда ишсизлар ҳамон кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида «ортиқча кишилар» армиясига тахминан 120 минг киши келиб қўшилди, ишсизларнинг умумий сони эса 1 миллион 800 минг кишига яқинлашиб қолди. Миллий статистика институти ана шуни хабар қилиб, ишсиз испанларнинг кўпчилиги 24 ёшга ҳам етмаган ёшгит ва қизлар эканлигини ташвиш билан қайд этади. (ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет ОҚШОМИ

20 МАЙ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/V да **Баланд қоядаги аёллар**, 21/V да **Келинлар қўзғолони**, 22/V да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/V да **Кулги ва лирика кечаси**, 21/V да **Гулсара**, 22/V да **Олифта.** (билетлар сотилган).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 20/V да **Янги программа. Кулги кечаси.**

КИНО

20 МАЙДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (4, 5, 6-сонлар) —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли**

«БУ ОЗОД ДУНЁ» —**Фестиваль**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ПЕТРНИНГ ЁШЛИГИ»— **Тинчлик** (18.30, 21.30 да, телефон 53-86-07).

«ХАВФЛИ РЕЙС» — **F. Ғулом номли** (18, 20.00 да, телефон 43-42-80).

21 МАЙДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

КПСС XXVI СЪЕЗДИДА (4, 5, 6-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«БИРГАЛИКДАМИ ЁКИ АЙРИМ-АЙРИМ» — Москва.

«БУ ОЗОД ДУНЁ» — **Фестиваль.**

«ТЕЗЛИК ВА ХАВФ» — **Восток.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУНГИ ҲОДИСАЛАР» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик номли** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР» — **Искра** (16, 18, 19.45 да телефон 39-14-59).

«ХАВФЛИ РЕЙС» — **F. Ғулом номли** (11, 13, 18, 20.00 да, телефон 48-42-80).

«ХХ аср қароқчилари» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

Ҳамза районидаги Береговой номли 204-ўрта мактаб томонидан **Аваз Хонбобоев** номига берилган 044087 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги Улуғбек номли 11-ўрта мактаб томонидан **Нормето в Рустам Пирметович** номига берилган 201558 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар медицина билим юрти томонидан **Раммбердиева Раҳима Исроиловна** номига берилган 953509 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

И. Охунбобоев номли Республика медицина билим юрти томонидан **Ниматов Самат** номига берилган 642329 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ



КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ

4-МАГАЗИНИДА

Англия, АҚШ, Франция, ГФР, Испания, Швеция, Италия, Бельгия ва бошқа мамлакатлардаги энг йирик нашриётларнинг китоблари кенг ассортиментда савдога қўйилган.

ХАРИДОРЛАР ИНГЛИЗ ТИЛИДА БОСИЛГАН ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН:

М. Митчел. «ШАМОЛ ОЛИБ КЕТГАН».

С. Моэм. «ЖАР ЁҚАСИДА».

А. Хаксли. «ЕНИБ БУЛГАН ШАМ. ОРОЛ.АНТИК КУРФАЗ» ва бошқалар.

Лонгман. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛУҒАТИ.

Оксфорд. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ЛУҒАТИ.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ИДИОМАСИ ВА БОШҚАЛАР.

Хирургия, онкология, гинекология, терапияга оид китоблар.

Инглиз ва немис тилларида қурилиш, химия, физика, математика ва кибернетикага оид китоблар савдога қўйилган.

МАГАЗИН БУНДАЙ КИТОБЛАРГА НАМУНАЛАР ВА ФИРМАЛАРНИНГ КАТАЛОГЛАРИ БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Китоблар кутубхоналарга пул ўтказиш йўли билан берилади.

4-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 12-уй. Телефон: 39-28-03.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

«АЭРОФЛОТ»

ОТПУСКАЧИЛАР ХИЗМАТИДА

АЭРОФЛОТ

Ёзги меҳнат отпускаларни вақти ҳам бошланмоқда. Ҳаво йўлларидан ҳар куни пассажирлар оқимини кўпайиб бораётганлигидан ҳам буни яққол билиш мумкин.

Республикамиз меҳнаткашларини самолётлар ҳаракатининг ёзги жадвалида қандай янгиликлар кутмоқда?

Бу янгиликлар аввало кўпгина марказий ва курорт йўналишларида рейслар миқдорининг кўпайишидан иборат.

1 ИЮНДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТДАН НОВОСИБИРСК, СИМФЕРОПОЛЬ, УФА, РИГА, МИНСК, ОДЕССА, ДУШАНБА, БИР ОЗ КЕЙИНРОҚ— УШ, ПЕТРОПАВЛОВСК, ФРУНЗЕ ВА БОШҚА ШАҲАРЛАРГА ҚЎШИМЧА РЕЙСЛАР ҚЎШИЛАДИ.

1 июлдан бошлаб АНАПАга самолёт қатнай бошлайди. Бу трассада ТУ-154 самолёти қатнайди.

Республикамизнинг Андижон, Бухоро, Фарғона область марказлари аҳолиси ана шу шаҳарлардан Минералные Води шаҳрига тўғри рейс билан парвоз қилишлари мумкин. Қарши ва Фарғона шаҳарларидан ТУ-154 самолётлари Симферополь шаҳрига мунтазам қатнаб туради.

1 июндан бошлаб ТОШКЕНТ—НУКУС—ШЕВЧЕНКО янги рейси очилади. ИЛ-62 самолёти ТОШКЕНТДАН, ХАБАРОВСККА бирор жойда қўнмасдан парвоз қилади.

Чўлпон ота (Иссиққўл курорти) шаҳрига ҳар куни икки рейс ўрнига уч рейс ўтказилади.

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА:

— «бориш» ва «қайтиш» учун авиабилетларни сотиш;

— авиабилетларни буюртириш ва уйга олиб бориб бериш (телефонлар: 41-80-11, 41-80-12, 41-80-17);

— ўринларни бронлаш «Сирена» автоматлашган системаси;

— авиакассаларнинг кенгайтирилган тармоғи;

— билетларни 15 кун олдиндан сотиш.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-06-17, 99-85-61, 99-84-35.

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН БОШҚАРМАСИНИНГ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚОМИТЕТИ

САХАЛИНСК ВА КАМЧАТСК ОБЛАСТЛАРИДА ҲАМДА «НАХОДКА» ВА «ВЛАДИВОСТОК» БАЛИҚ ПОРТЛАРИДА МАВСУМИЙ 6 ОЙЛИК ИШДА ИШЛАШ УЧУН ТАШКИЛИЙ РАВИШДА

ИШЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар жўнашдан 10 кун олдин расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасини тузган ишчиларга йўл ҳаражати ва суткалик тўланади.

ЖЎНАШ КУНЛАРИ:

«КАМЧАТРИБПРОМ»— **3 июнда.**

«САХАЛИНРИБПРОМ» — **3 июнь, 11 июнда.**

«ОСТРОВНОЙ» БАЛИҚ КОМБИНАТИ — **11 июнда.**

«НАХОДКА» БАЛИҚЧИЛИК ПОРТИ — **18 июнда.**

ХАНТИ-МАНСИЙСК БАЛИҚЧИЛИК КОМБИНАТИ — **25 июнда.**

«ДАЛЬМОРЕПРОДУКТ» ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЛОТИЛИЯСИ БОШҚАРМАСИГА —**9 июлда.**

«ВЛАДИВОСТОКМОРРИБПОРТ»— **23 июлда.**

Справкалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси, районларда район ижроия комитетлари ҳузуридаги меҳнат бўйича вакилларига учрашилсин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

ҚЎНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электромонтажчилар, электрослесарлар, электр-газ пайвандчилар, иккиламчи ҳалқасимон коммутацилар бўйича электромонтажчилар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонти бўйича слесарь, кинемеханик (фильм текшириш ишларини бажара оладитан), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат 10 синф ҳажмида маълумотлилар).

ЎҚИШ МУДДАТИ—1—2—3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва касб эгаллайдилар. Улар кунда 3 маҳал овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга (киномеханикдан ташқари) ойига 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Электромонтажчилар группасининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган даврларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса 33 процентини оладилар.

Билим юртида ишчи ёшлар ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилмоқда.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилиб электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирган ёшларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати қисқартирилган —10 синф ҳажмида маълумотлилар—7,5 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ёки олий ўқув юртларига ўқишга юборилади-лар. Уларнинг корхоналарда ишлашлари шарт эмас.

Билим юртида спорт базаси бор, спортнинг 14 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ПОЙАФЗАЛ БОШЛИҒИНИ БИЧУВЧИ, ЗАГАТОВКА ТИКУВЧИ, ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КОНТРОЛЕРЛАР, ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, КОНСТРУКТОР-МОДЕЛЬЕР.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга кириш учун йўлланма берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобуслар, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар 53-99-91, 53-99-04.

9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти корректорлар, полиграфия асбоб-ускуналарини созловчилар, автоматларда тикувчилар, саралаш-тикиш машиналарининг машинистлари, ҳарф терувчилар, линотипистлар, печатниклар, ўрта маълумотли муқовасозларни тайёрлаб чиқаради.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларнинг «Волгоград» кўчаси бекати. «СССР 50 йиллиги» метро станцияси). Телефонлар 77-10-56, 77-10-33, 77-13-79.

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, чизмакаш-конструктор, ЭВМ программисти, ЭВМ операторн.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати— 1 йил.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЭМАС.

Билим юртига 10 синфни тамомлаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ўқишни тамомлагач улар иш билан таъминланадилар.

Адрес: 700084, Тошкент шаҳар, Киров район, Ҳуршид кўчаси, 45-уй (39, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко» номли институт» бекати).

В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Токарь (программали бошқариладиган станокда ишловчи). Ўқиш муддати 3 йил.

Учиш аппаратларни йиғувчи слесарлар. Ўқиш муддати 3 йил.

Слесарь-механик. Ўқиш муддати 3 йил.

Саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Дипломли газ-электр пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти. Ўқиш муддати 3 йил.

ОТК контролёри. Ўқиш муддати 3 йил.

Автослесарь. Ўқиш муддати 3 йил.

Металл бўйича универсал токарь (Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Ремонтчи-слесарь (саноат жиҳозлари бўйича. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

Слесарь-механик (механика-йиғув ишлари). Ўқиш муддати 1 йил.

Электр кўприкли кранлар машинисти (Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати— 1 йил.

Электр пайвандчи (Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади). Ўқиш муддати 1 йил.

ОТК контролёри (Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади). Ўқиш муддати 1 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлари тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлар тўгараги, ўзбек халқ чолғу-асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд.

10 та спорт секцияси ишлаб турибди.

Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар, Ватанимиздаги қаҳрамон шаҳарларда бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари). Телефон 35-61-30.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводи базасидаги

155-ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Узоққа қатновчи пассажир вагонларнинг проводниги — ўқиш муддати 1 йил. 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўмдан стипендия тўланади. Ётоқхона билан таъмин этилмайди; машинада қолиплаш қолипловчиси ихтисосига 8— 10 синф маълумотидаги 17.5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинибб, 8 синф маълумотидаги ўқувчиларга 30 сўм ҳажмида, 10 синф маълумотидаги ўқувчиларга эса 72 сўм стипендия тўланади.

Ётоқхона билан таъминланилади; электр кўприкли крани крановчиси ихтисосига 10 синф маълумотдаги 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинибб, уларга ойига 72 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади. Ўқиш муддати —1 йил. Ётоқхона билан таъминланилади; тепловоз машинистининг ёрдамчиси, тепловознинг механик қисми ремонти бўйича слесарь, тепловознинг ва электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарлик ихтисосига ўқиш муддати— 3 йил. 15 ва ундан катта ёшдаги 8 синф маълумотидаги ўсмирлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, ишчи кийимлари билан таъминланадилар, чунончи, уларга ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини битирганларга дипломлар берилади, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга қабул қилинадилар. Битирувчиларга темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. шунингдек Совет Иттифоқининг исталган пунктига темир йўл орқали бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри— 5, Червяков кўчаси. 12-уй (1, 5-трамвайлар 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

228-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қурилиш бўёқчиси, тўқимачилик, ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, қурилиш дурадгори, паркетчи, слесарь-сантехниклар, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи электромонтёр, контроль ўлчов асбоблари бўйича слесарь, токарь, мастер ёрдамчиси.

ЎҚИШГА 8— 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар ва 70 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри— 19, Собир Раҳимов район, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй (2 ва 7-троллейбусларнинг «Красноармейская»бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танланган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат тўғрисида гувоҳнома (ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, шаҳарда пропискадалиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахсий делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танланган касби бўйича ишлаш учун соғлиғи ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

20 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Ёшлар адреслари» 19.00 «Ленин, болалар ва давр» Илмий-оммабоп фильм 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Талабларингизга биноан учрашувлар» Тожикистон ССР Норак шаҳри меҳнаткашларининг саволларига жавоблар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.25 «Фақат қуёш тилларанг эмас». Бадиий фильм премьераси (ГДР). 21.30 «Время». 22.05 «И. С. Козловский ижоди. Турли йилларда суратга олинган». Музикали фильм премьераси. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Давлат Третьяков галереяси залари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Р. Габиччадзе. «Медея». Фильм-балет. 20.40 «Архитектура. Олимпиада иншоотлари». 21.15 «Тунингиз ҳайри бўлсин, кичкинтойлар» «Сеҳрли экран» 21.30 «Время» 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Таврия» (Симферополь). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Винни-Пух меҳмонга боради». Мультфильм. 18.30 «Ёш дуторчилар». 18.50 «Интернационализм — бизнинг байроғимиз». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж (рус.). 19.15 «Боғлар тоғлар томон бормоқда». Телевизион ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Мулоҳаза. Муҳокама. Мунозара». Кўрсатувда «Узколхозстрой» Давлат кооператив бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров иштирок этади. 20.30 «Аҳборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари адабий қисмининг очилишига бағишланган тантанали кеча. «Ваҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач— Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Оператор Киснинг янги саргузаштлари». 19.00 Биология. Биосфера ва инсон. 19.30 «Авлодлар биографияси». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.20 «Менинг уйим, менинг оилам». Телевизион ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм») (рус.)

21 МАЙ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 Москва шаҳар пионерлари ва VIII Бутуниттифоқ пионерлар слёти делегатларининг тантанали йиғилиши. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». 20.05 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Литвиненко куйлайди. 20.15 «Имерентинча никоҳ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Эквилибрист». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бодрик». Мультфильм. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тбилиси». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Аҳборот» (рус). 19.45 «Афшона — Абу Али ибн Сино ватани» Ҳужжатли фильм. 20.00 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари «Тожикистон рассомлари». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидан кўрсатув 20.30 «Аҳборот». 20.50 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари Тожикистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси «Зебо» рақс ансамблининг концерти 21.30 Москва «Время». 22.05 «Дунё воқеалари» 22.35 «Солдат отаси» Бадиий фильм («Грузияфильм»). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

23 май соат 15.30 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

УРТА МАКТАБНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Программада ўқитувчилар факультет деканлари билан учрашув ўтказилади ва институт бўйлаб экскурсия қилинади.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй (25, 39, 61, 66-автобуслар, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт института» бекати). Телефон 91-14-40

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўқув стоматология поликлиникаси ва электротехника медицина техникуми коллективлари поликлиниканинг бош врачи М. М Абзаловга укаси

Мирёқуб АБЗАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66, саноат—32-53-83, қурилиш ва шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-58-81, аҳборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

20 МАЙ, 1981 й. Р — 07143. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2127. 5